



№46 (899)
2025 йил 30 май,
жума

O'ZBEKISTON BUNYODKOR

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta



СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг
сешанба ва жума кунлари чиқади.

Сурхондарё: Барқарор ривожланиш йўлида

Ғайрат БҮРИЕВ,
Сурхондарё вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати бош мутахассиси.

Сўнги йилларда Сурхондарё вилоятида барча соҳаларда кенг қўлми ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, қурилиш ва инфратузилма йўналишидаги ишларнинг кенгайтириши вилоятнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашда муҳим омил бўлмоқда. Вилоят ҳокими Улуғбек Қосимов Термиз шаҳри, Ангор, Шеробод ва Термиз туманларида бўлиб, бир қатор стратегик лойиҳаларнинг амалга оширилиши билан танишди.



2-бет

Италия Республикаси Бош вазири Жоржа Мелони хонимнинг 28-29 май кунлари Ўзбекистонга расмий таширифи давомида икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Хусусий тадбиркорликнинг инновацион лойиҳалари, ўта муҳим минераллар ва қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, автомобилсозлик учун бутловчи қисмлар, электротехника, энергетика, озиқ-овқат, фармацевтика, қурилиш санъатида юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, тўқимачилик, чарм, мебелсозлик ва бошқа тармоқлар учун дизайн марказларини ташкил этиш устувор йўналишлар сифатида қайд этилди.

ВАЗИРЛИК ВА ТИЗИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА

“Иссиқликтаъминоти” АЖ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Шерзод Султонов бошчилигидаги бир гуруҳ мутахассислар Корея Республикасида хизмат сафарига бўлиб турибди.



Делегация аъзолари Корея иссиқлик таъминоти корпорацияси президенти жаноб Жонг Ёнг Ки билан учрашув ўтказди. Ўзбекистонда марказлашган иссиқлик таъминотини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар хусусида маълумот берилди.

Учрашувда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Шерзод Хидоятнинг коммунал соҳадаги самарали ҳамкорлиги учун миннатдорлик хати ўқиб эшиттирилиб, корпорация президенти Жонг Ёнг Кига “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш аълочили” кўкрак нишони топширилди.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги хузуридаги Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти ходимлари учун навбатдаги семинар тренинг ўз ишини бошлади.



Анжуманнинг илк кунинда ТАИЕХ экспертлари Руминиянинг ASRO ташкилоти вакиллари – Кристина Попа ҳамда Сперанца Штомф хонимлар, шунингдек, Италиянинг Турин политехника университети профессорлари – Габриэле Бертагноли, Фабио Ди Трапани ва Себастиано Фоти иштирок этди. Тадбир давомида еврокодаларнинг аҳамияти, уларнинг амалий қўлланилиши, қурилиш нормалари ва стандартлари тизимига интеграциялашуви бўйича тушунчалар берилди ҳамда муҳокамалар ўтказилди.



Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси раҳбари Сирожиддин Эшқуватов бошчилигидаги бир қатор учрашув ва тадбирлар ташкил қилинмоқда.

Хусусан, Тошкент архитектура-қурилиш университетида “Рақбар ва талабалар учрашуви” бўлиб ўтди. Тадбирда инспекция раҳбари бевосита талаба-ёшлар билан

очиқ ва самимий мулоқот ўтказди, уларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берди.

Шунингдек, Инспекция раҳбари бошчилигида “Сейсмик хавфсизликни таъминлаш тизимини такомиллаштириш муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги Қонуннинг мазмуни ва аҳамиятини жойларда тушунтириш ҳамда унинг ижросини таъминлаш бўйича Фарғона ва Андижон вилоятларида навбатдаги семинар-йиғилиш ўтказилди. Тадбир давомида ушбу Қонуннинг асосий жиҳатлари, сейсмик хавфсизликка оид янги талаблар ва уларни амалиётда самарали татбиқ этиш механизмлари муҳокама қилинди. Қурилиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган қонунбузарликларни олдиндан аниқлаш ва бартаараф этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди.

Ушбу мавзудаги семинар-йиғилишлар бошқа ҳудудларда ҳам ўтказилиши режалаштирилган.



Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан қурилиш объектларида назорат тадбирлари олиб борилмоқда.

Хусусан, Янги Наманган туманидаги Гузал маҳалласи ҳудудида буюртмачи “Namangan-Istiqlol bog'i” МЧЖ томонидан пастки қаватлари савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохбачалари, юқори қаватлари эса турар жой этиб белгиланган объектда олиб борилаётган қурилиш ишлари ўрганилди. Назорат тадбирлари жараёнида объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ва шаҳарсозлик кенгаши хулосасида бино 5 қаватли этиб кўрсатилган бўлсада, амалда қурувчи ташкилот томонидан ўзбошимчалик билан яна бир қават қўшимча қурилатгани аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан қурилишнинг масъул шахсларига маъмурий баённомалар расмийлаштирилди.

АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИНМОҚДА



Зулфизар МАВЛОНОВА, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бухорода Автомобиль йўллари қўмитаси ташаббуси билан йўл хўжалиги соҳасидаги йирик лойиҳалар ва уларнинг амалга оширилиш жараёнини оммага етказиш мақсадида журналистлар ҳамда блогерлар учун пресс-тур ташкил этилди. Тадбир вилоят Автомобиль йўллари бош бошқармасида ўтказилган матбуот анжумани билан бошланди. Унда бошқарма бошлиғи Яхшимурод Чўллийев иштирокчиларга вилоятдаги автомобиль йўллари тоифалари ва уларнинг ҳозирги ҳолати ҳақида батафсил маълумот берди.

Қайд этилишича, вилоятда жами 15 464 километр йўл мавжуд бўлиб, уларнинг 26 фоизи, яъни, 4 004 километри бошқарма тасарруфига қиради. Шундан, 478 километр халқаро, 1 120 километр давлат, 2 406 километр эса маҳаллий аҳамиятидаги йўللاردир. Қолган 11 460 километр йўллар эса қишлоқлар, шаҳарлар ва овулларга тегишлидир.

Пресс-турнинг дастлабки манзили “А380 Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу” автомобиль йўлининг 150-228-километр (78 км) қисмини реконструкция қилиш лойиҳаси бўлди. Ушбу лойиҳа Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки иштирокида амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида Қоровулбозор, Бухоро, Когон тумани ҳамда Когон ва Бухоро шаҳарларини қамраб олган. Жами 78 километрни ташкил этувчи лойиҳа бўйича ҳудудларда кенг қўлми қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунга қадар 63,3 километр узунликдаги йўлнинг ўнг қисмида ва 42,51 километр чап қисмида М-75 маркали 20 сантиметр қалинликда цемент-бетон аралашмаси билан асос устки қатлами ётқизилган. Шунингдек, 58 километр ўнг ва 26,46 километр чап йўл қисми 27 сантиметр қалинликдаги цемент-бетон билан қопланган. Ажратувчи тасмага эса 7,4 километр узунликда металл тўсиқлар ўрнатилган.

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 майдаги “Цемент-бетон қопламали автомобиль йўллари тармоғини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-249-сонли қарорига мувофиқ амалга оширилмоқда. Қарорга асосан, Бухоро вилоятида цемент-бетон қопламали ички йўллари қуриш бўйича икки босқичли дастур белгиланган. “Автоўйлинест” ДУК буюртмаси асосида халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан 1-босқичда 54 километр, 2-босқичда эса 61,5 километр йўл қопламасини янгилаш режалаштирилган. Унга қўра, биринчи босқичда Бухоро туманида 6,26 километр, Ромитан туманида 32,2 километр ва Пешку туманида 15,5 километр йўллар бетонлаштирилмоқда. Лойиҳага 14,4 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ ажратилган бўлиб, бутунга қадар 28 километр ички йўллар таъмирланди. Лойиҳа 2025 йил 1 июлгача якунланиши режалаштирилган.

Алоҳида эътиборга молик жиҳати шундаки, Пешку туманидаги Навгаҳон, Туркистон ва Ўзбек маҳалларида ҳам ички йўллари бетонлаштириш ишлари бошланган. Хусусан, Навгаҳон маҳалласида 4,3 километр, Туркистонда 7,1 километр ва “Ўзбек маҳалласида 4,1 километр ички йўл цемент-бетон қопламга ўтказилмоқда. Бу орқали жами 12 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган ҳудудларда замонавий инфратузилма яратилмоқда.

Мазкур ишлар йўл транспорт тизимини ривожлантириш, аҳоли хавфсизлиги ва қўлайлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.



Сурхондарё: барқарор ривожланиш йўлида

◀ 1-бет

Термиз шаҳрида барпо этилаётган "Yangi Termiz City" мажмуаси – бу фақатгина бино эмас, балки шаҳарнинг янги юзи, ривожланиш сари ташланган қадам ҳисобланади. Ушбу мажмуада савдо марказлари, меҳмонхоналар, офис бинолари, замонавий кўп қаватли турар жойлар, суний кўллар, ер ости автотуннеллари ва ижтимоий объектлар қурилиши режалаштирилган.

Термиз туманидаги "Янги Ўзбекистон" массиви ва боғи – аҳолига қулай яшаш муҳити яратиш мақсадида амалга оширилаётган яна бир йирик лойиҳадир. 55,5 гектар ер майдонидида қуриладиган ушбу мажмуада 74 та кўп қаватли уй, мактаб, боғча, оилавий поликлиника ва боғ барпо этилади. Бу эса нафақат аҳолини уй-жой билан таъминлаш, балки ижтимоий инфратузилмани яхшилашда ҳам катта аҳамиятга эга.

Ангор туманида йўл ва кўприк қурилиши ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Мазкур лойиҳалар тумanning транспорт алоқаларини яхшилаш, йўловчилар ва ҳайдовчилар учун қулайлик яратишга қаратилган.

Шеробод туманида эса 4Р-23Ж автомобиль йўлининг 6 километр

қисмини тўлиқ реконструкция қилиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида йўл асфальт қопламаси янгиланиб, ёришиш чироклари, пиёдалар йўлақлари ва сув қочириш инфратузилмалари ўрнатилган. Умумий қиймати 78,2 миллион сўмни ташкил этувчи ушбу реконструкция ишлари орқали тумандаги транспорт ҳаракати сифат жиҳатдан янги босқичга чиқади.

Ташриф довомида айрим қурилиш ва инфратузилма лойиҳаларидаги камчиликлар ҳам танқид қилинди. Айниқса, йўл қурилишидаги сусткашликлар ва топшириқлар бўйича ҳудуд раҳбарларига муҳим топшириқлар берилди. Турли соҳаларда олиб борилётган қурилиш ишлари сифатини ошириш, муддатларга риоя этиш ва фуқаролар эҳтиёжини тўлиқ ҳисобга олиш зарурлиги уқтирилди.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш мумкинки, Сурхондарёда амалга оширилаётган лойиҳалар нафақат ҳудуднинг иқтисодий қиёфасини ўзгартирмоқда, балки жойлардаги ҳаёт сифатини янада юксалтиришга ҳам хизмат қилмоқда. Энг муҳими, бу лойиҳалар орқали аҳолига яқин ва қулай, барқарор ривожланаётган муҳит яратилмоқда.

УЗУНОВУЛ МАССИВИ

уй-жойга эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказига айланмоқда

Орифжон ОДИЛОВ, журналист.

Юртимиз жаҳоннинг аҳолиси тез ўсиб бораётган мамлакатлари қаторида туради. 2025 йил статистикасига кўра, инсоният нуфуси 8 миллиардга етган бўлса, Ўзбекистон аҳолиси 37 миллионлик маррадан ошиб, йирик давлатлар орасида 41-ўринни эгаллади.

Албатта, фуқаролар давлатнинг мавжудлиги ва қудратини белгиладиган муҳим омилдир. Аммо демографик ўсиш ва урбанизация бир-бирига мувофиқ кечмас экан, яқин келажакда жиддий муаммолар юзага келиши ҳам мумкин. Бунда аввало, аҳолини уй-жой билан таъминлашда ер ресурсларининг чекланганлик муаммоси қаршимиздан чиқади. Сўзга келиб айтганда, ҳалқимиз учун энгас эҳтиёж, бўйига ўсиш фурсати аллақачон етиб келган.

Президентимиз раҳбарлигида 2021 йил 2 ноябрь кунини сифатли уй-жой билан таъминлашга бағишланган видеоселектор йиғилишида "Янги Ўзбекистон" массивларини барпо этиш ташаббуси илгари сурилгани, кичик ҳудудда барча инфратузилмага эга, осмонўпар уйлardan таркиб топган комплекс шаҳарчалар қуриш таклифи этилгани ҳам бежиз эмас. Шундан келиб чиқиб, Жомбой туманида ҳам амалий ишлар бошлаб юборилган.

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, бугунги кунда туманда 190 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Бу кўрсаткич ҳар йили 3-5 минг нафарга кўпаймоқда. Демак, яқин келажакда янада кўпроқ уйлар барпо этиш эҳтиёжи юзага келиши бор гап.



Узуновул массиви ана шундай масканларнинг Самарқанд вилоятидаги илк намунаси.

Бу ерлар мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ҳарбий қисм сифатида қўрилган ҳудуд бўлган, – деди Жомбой тумани ҳокими ўринбосари Махмуд Абдурахимов. – Ҳарбий қисм тугатилгач, унинг ўрни ташландиқ ҳолатга келиб қолган. 2010 йилда аҳолига яқин тартибда уй-жой қуриш учун аукцион савдолари чиқарилади. Шу тарихда Узуновул массивининг тамал тоши қўйилган. Уша йили 6 сотихдан 60 та, 2011 йилда эса 90 та лот фуқаролар томонидан харид қилинган. 2014 йилга келиб, "Қишлоқ қурилиш инвест" масъулияти чекланган жамияти ИК ташаббуси билан 37 та 6 сотихли намунали уй-жойлар қурилиши бошланган.

Массив "Катта қишлоқ" МФЙ таркибига шаклланишини қайд этиш жоиз. 2017 йилдан ҳудудни кўп қаватли уйлardan иборат замонавий аҳоли

пунктига айлантириш ишларига киришилди. Жумладан, ҳудудда 2017-2023 йилларда 23 та уй-жой қурилган бўлиб, 452 та оила ўз хонадонига эга бўлган. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Башират Шамсиеваннинг таъкидлашича, бугунги кунда бу ерда 8269 нафар аҳоли яшайди. Узуновул массивининг ўзида 700 га яқин кўчалар, 2 минг нафардан ортиқ фуқаро истиқомат қилмоқда.

Эътиборлиси, массив йилдан-йилга тумanning уй-жойга эҳтиёжманд аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказига айланиб борапти. Олайлик, 2021 йилда 5 та 5 қаватли уй-жой қурилган бўлса, шундан 2 таси субсидия асосида аҳолига ажратилган. Бошқача айтганда, саксон хонадонли уй-жойлар муҳтож оилалар учун ипотека кредити асосида берилган.

Бундан ташқари, ҳомийлар кўмагида ижтимоий уйлар тармоғи ҳам айнан Узуновулда барпо этилмоқда. 2021-2025 йиллар оралиғида "Жомбой дон махсулотлари" акциядорлик жамияти

ҳамда "Хасана" нодавлат-нотижорат ташкилоти кўмагида 29 та 1 сотихли уй-жой қурилиб, ёлғиз кексалар, оғир ижтимоий шароитдаги хотин-қизларга ажратиб берилгани фикримизнинг тасдиғидир.

Албатта, аҳоли пункти фақат уй-жойдангина иборат бўлмайди. Фуқаролар учун ижтимоий соҳа объектлари, инфраструктура яратилиши ҳам талаб этилади. Узуновулда бу жиҳатлар ҳам ҳисобга олинган.

Бугунги кунда массивда давлат-хусусий шериклик шаклидаги 75 ўринли боғча, 20-умумтаълим мактаби филиали, тиббий пункт, савдо дўконлари, шунингдек, тикучилик ва маъданли сув ишлаб чиқариш цехи фаолият юритади. Тиббий пункт 2022 йилнинг сентябрь ойида фойдаланишга топширилган бўлиб, бу ерда 1 нафар фуқаро ва 3 нафар патронаж ҳамшираси фаолият кўрсатади. 20-умумтаълим мактаби филиали эса туман зўбеллари ташаббуси билан "Очиқ бюджет" лойиҳаси доирасида 1,3 миллион сўм эвазига барпо этилган. Қуввати 120 ўринга мўлжалланган муассаса 2023 ўқув йилидан иш бошлаган. Мактаб ҳудуди "Яшил макон" умуммиллий ҳаракати доирасида туман ҳокимлиги боғига айлантирилган, 50 сотих майдонга 350 туپ мевали, 50 туپ манзарали дарахт кўчатлари экилган.

Бир сўз билан айтганда, Узуновул замонавий руҳдаги аҳоли пункти сифатида бўй кўрсатмоқда. Қарий 5 километр ички йўллар, 3 та сув иншооти, сув тозалаш тизими ҳам ишлаб турибди. Яқин келажакда яна 3 та янги уй-жой, маийш хизмат кўрсатиш шохбосчаси барпо этилиши белгиланган.

Мақола тайёрлаш жараёнида амин бўлдикки, Узуновул аллақачон алоҳида маҳалла сифатида шаклланган. Демак, яқин келажакда 35 гектарни эгаллаган ушбу ҳудудда Жомбойнинг 39-маҳалласи ташкил этилса, ажаб эмас.

Тоғ бағрида барпо бўлаётган яшил энергия қалъаси



Фарангиз ҚУРБОНОВА, ЎзДЖТУ талабаси.

Бўстонлиқнинг баланд тоғлари ўртасида, Чотқол дарёсининг серсув ирмоқлари бўйида қад ростлаётган Қуйи Чотқол ГЭС шунчаки қурилиш эмас, балки келажак авлод учун барпо этилаётган экологик тоза энергия манбаи ҳамдир. "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилаётган бу улкан лойиҳа нафақат энергетика тизими учун янги имконият, балки технологик илғорлик ва экологик барқарорлик тимсолидир.

ГЭСнинг юраги бўлиши тўғон бугунги кунда Марказий Осиё минтақасида илк бор синодан ўтаётган – босиб зичланган бетон (РСС) технологияси асосида барпо этилмоқда. 60 метр баланглик, 270 метр узунлик ва 7,5 метр устки кенгликка эга бу иншоот оддийгина тўғон эмас, у техникавий аниқлик ва муҳандислик маҳоратининг мажмуи ҳам ҳисобланади. Бу технология тўғон қурилиш муддатлари деярли икки баробарга қисқаради, сув сарфини эса аниқ ва самарали бошқариш имконияти пайдо бўлади. Бетоннинг ҳар бир қатлами қатъий мезонлар асосида тайёрланиб, машиналар ёрдамида текисланади, зичланади, мустаҳкамланади.

Иншоот қурилишига Германия, Италия ва Туркия каби давлатларнинг етакчи компаниялари жалб этилган. Масалан, цемент ишлари замонавий автоматлаштирилган ускуналар ёрдамида, ҳатто дунёнинг исталган нуқта-сидадан масофадан бошқарилади. Бетон таркибий қисмлар эса бевосита лойиҳа худудидан олинаётган инерт материаллар асосида ишлаб чиқарилмоқда. Яна бир ютукли жиҳат, Ўзбекистонда илк бор тўғон ювиш галереясида М800 маркали бетон қуйилган бўлиб, бу ерда сув босими остида узоқ йиллар хизмат қилувчи қуйма темир плиталар билан қопланган структуравий асослар барпо этилди.

Айни пайтда ГЭС қурилишида

1 800 нафар мутахассис 3 сменада фаолият олиб бормоқда. Қурилишнинг 90 фоизи маҳаллий эҳтиёт қисмлар ва технологик жиҳозлар ҳисобига амалга оширилаётгани эса энергетик мустақиллигимиз йўлида муҳим қадамлардан биридир. У тўлиқ қувватда ишла туширилгач, йиллик 300 миллион кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бу – 125 минг хонадоннинг йиллик эҳтиёжини тўлиқ қоплайди. Қолаверса, 91 миллион куб метр табиий газ ёки 250 минг тонна кўмирни тежаш имконини беради. Энг асосийси, атмосферага зарарли чиқиндиларнинг камайишига хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, Қуйи Чотқол ГЭС – бу оддийгина гидротехник иншоот эмас. Бу – бугуннинг меҳнати ва эртанги кунимиз порлоқлигига бўлган ишончингиз барқарор рамзидир. У экологик тоза, иқтисодий самарали, технологик жиҳатдан илғор бўлиб, энергиямизни табиат билан ҳамоҳангликда яратишга қаратилган истиқболли лойиҳа сифатида катта аҳамиятга эга.

Мустақиллик байрами арафасида ишга туширилиши кутилаётган ушбу иншоот мамлакатимизнинг энергетика соҳасида эришаётган ютуқларининг ёрқин тимсолига айланиши шубҳасиз.

Жиззахда инфратузилма янгилашиб, ҳаёт сифати ошмоқда

Бекжон ЖўРАҚУЛОВ,
"O'zbekiston bunyodkoti" муҳбири.

Бугунги кунда Жиззах вилоятида 2024-2025 йиллар давомида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги босқичи бошланди, десак муболаға бўлмайди. Бу жараён Жиззах вилояти ҳокимлигининг "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси ДУК буюртмачилиги асосида босқичма-босқич амалга оширилаётган кенг қўламли қурилиш ва таъмирлаш ишлари мисолида яққол намоён бўлмоқда.

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ушбу компания томонидан ташкил этилган навбатдаги матбуот анжуманида журналистлар ва жамоатчилик вакиллари қурилиш жараёни билан яқиндан таништирилди. Тадбирни компаниянинг Танлов савдоларини ташкил этиш ва хўжалик шартномалари бўлими бошлиғи Ойбек Очилов очиб берди. У ўз чиқишида 2024-2025 йилларда амалга оширилаётган йирик инфратузилма лойиҳалари, ижтимоий объектлар, турар жой биноларини таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари ҳақида атрофлича маълумот берди.

Матбуот анжуманида маълум қилинишича, айни пайтда вилоят бўйлаб умумий қиймати 1 триллион 61 миллиарддан ошмиқ маблағ ҳисобига 177 дан ортиқ ижтимоий, иқтисодий ва инфратузилма объектида қурилиш-таъмирлаш, реконструкция ва модернизация ишлари амалга оширилмоқда. Бу лойиҳалар бир нечта давлат дастурлари асосида молиялаштириляпти. Хусусан, Президент қарорлари асосида 75 та, Инвестиция дастури доирасида 17 та, "Очиқ бюджет" дастури орқали 27 та, маҳаллий бюджет ва бошқа манбалар ҳисобидан 28 та, инфратузилмани яхшилаш лойиҳалари ёрдамида 25 та, Халқ депутатлари кенгашининг қарорлари асосидаги "драйвер" лойиҳалари асосида 18 та, қўшимча молиялаштирилган лойиҳалар асосида эса 14 та объектада бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти.



Биламизки, қурилиш-таъмирлаш ишлари фақат биноларни барпо этиш билан чекланмайди. Улар аҳолининг турмуш сифатини оширишга қаратилган кенг қамровли стратегик режаларни ҳам ўз ичига олади. Хусусан, уй-жой фондини таъмирлаш: ижтимоий химояланган қатламларга қулай яшаш шароитлари яратиш, ободонлаштириш: хавфсиз кўчалар, пиёдалар йўлақлари ва яшил ҳудудлар барпо этиш, таълим муассасалари: мактаб, боғча ва олий таълим тизимларини замонавийлаштириш, соғлиқни сақлаш объектилари: янги поликлиника, оилавий шифокорлик пунктлари қурилиши шулар жумласидандир. Шунингдек, спорт инфратузилмаси: спорт заллари, сузиш хавзалари, маданият муассасалари: кутубхоналар, театр ва маданият марказлари реконструкцияси, сув хавфсизлиги: қирғоқбўйи муҳофаза объектилари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш: ИИБ ва ФВБ биноларини модернизация қилиш қабиллар ҳам аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Матбуот анжумани доирасида журналистлар иштирокида Жиззах шаҳрининг турли маҳаллаларида пресс-тур ҳам уюштирилди. Жумладан, "Сайилжойи", "Тошлоқ", "Ешлик", "Заргарлик", "Зилол", "Иттифок" ва "Қасоблик" МФИларда жойлашган 135 дан ортиқ кўп қаватли уйда олиб борилаётган таъмирлаш ишлари кўздан кеңириди. Ушбу маҳалла фуқаролар йиғинлари худудидидаги уйлarning том қисми янгиланиб, биноларнинг фасад қисми базальт қопламалари билан қопланмоқда. Ертўралардаги иссиқлик тизимлари ва коммуникация қувурлари тўлиқ таъмирланяпти. Буларнинг бари нафақат эстетик жиҳатдан муҳим, балки хавфсизлик ва энергия самардорлигини таъминлашга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Дарҳақиқат, бугун Жиззах вилоятида амалга оширилаётган бу қурилиш-таъмирлаш ишлари давлат сисъатининг ижтимоий йўналтирилганлигини, аҳолининг ҳаёт сифатини оширишга бўлган содиқлигини кўрсатади. Бу борадаги тизимли, босқичма-босқич ёндашув эса вилоятнинг ҳар бир фуқароси учун янада қулай, хавфсиз ва замонавий яшаш муҳитини таъминлашга қаратилган.

ПРИГЛАШЕНИЕ К УЧАСТИЮ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

Регион: Хорезмская область

Сектор: Развитие сельской инфраструктуры

Закупка работ

Инициатор проекта: Министерство экономики и финансов Республики Узбекистан

Источник финансирования: Исламский банк развития и "ОПЕК" международный фонд развития

Номер заемного соглашения: UZB-1023

Название проекта: Устойчивое развитие сельской местности

1. Объединенная группа реализации проектов при Министерстве экономики и финансов, настоящим приглашает правомочных участников представить запечатанные тендерные предложения на выполнение вышеуказанных работ:

SRDP-KHR-W-09 – асфальтирование внутренних дорог, строительство тротуаров и ночных освещений в МСГ "Юкориовул" и "Мергановул" Ургенчского района Хорезмской области;

SRDP-KHR-W-10 – асфальтирование внутренних дорог, строительство тротуаров и ночных освещений в МСГ "Жайхун" Ургенчского района Хорезмской области;

SRDP-KHR-W-11 – асфальтирование внутренних дорог, строительство тротуаров и ночных освещений в МСГ "Уйшин" и "Хидоят" Ургенчского района Хорезмской области;

SRDP-KHR-W-12 – асфальтирование внутренних дорог, строительство тротуаров и ночных освещений в МСГ "Хилол", "Бахшилар" и "Тулобод" Ургенчского района Хорезмской области;

SRDP-KHR-W-13 – строительство тротуаров и ночных освещений в МСГ "Дустлик", "Илгор" и "Истиклол" Ханкинского района Хорезмской области;

SRDP-KHR-W-14 – строительство тротуаров и ночных освещений в МСГ "Дурмон" и "Тулистон" Ханкинского района Хорезмской области;

SRDP-KHR-W-15 – асфальтирование внутренних дорог, строительство тротуаров и ночных освещений в МСГ "Мухомон" Хазараспского района Хорезмской области;

SRDP-KHR-W-16 – асфальтирование внутренних дорог, строительство тротуаров и ночных освещений в МСГ "Буюк сиймо" Хазараспского района Хорезмской области;

SRDP-KHR-W-17 – асфальтирование внутренних дорог в МСГ "Навруз" Хазараспского района Хорезмской области;

SRDP-KHR-W-18 – асфальтирование внутренних дорог, строительство тротуаров и ночных освещений в МСГ "Навруз" и "Шодухуррам" Хазараспского района Хорезмской области;

OFID-KHR-W-02 – асфальтирование внутренних дорог, строительство тротуаров и ночных освещений в МСГ "Камолот" Хазараспского района Хорезмской области;

SRDP-KHR-W-19 – асфальтирование внутренних дорог, строительство тротуаров и ночных освещений в МСГ "Бустон" Хазараспского района Хорезмской области;

SRDP-KHR-W-20 – асфальтирование внутренних дорог, строительство тротуаров и ночных освещений в МСГ "Ковунчи" Хазараспского района Хорезмской области;

SRDP-KHR-W-21 – улучшение водоснабжения в МСГ "Хидоят" Ургенчского района, а также в СГМ "Узумзор", "Узгарийш", "Хунарманд" и "Навруз" Багатского района Хорезмской области;

SRDP-KHR-W-22 – улучшение водоснабжения в МСГ "Илгор", "Пахлавонлар" и "Тулистон" Ханкинского района Хорезмской области.

2. Тендерные торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными Исламским банком в "Руководстве по закупке товаров, работ и сопутствующих услуг при финансировании проектов ИБР", опубликованном в апреле 2019 года, и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в руководстве. Кроме того, обратите внимание на пункты 1.18-21, излагающим политику ИБР в отношении конфликта интересов.

3. Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Объединенной группе реализации проектов при Министерстве экономики и финансов и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты

безвозвратного взноса для покрытия расходов по распечатке и рассылке, размер которого для каждого комплекта тендерной документации по 1 пакету составляет **1 250 000 сум**. Способ оплаты – банковский перевод на нижеуказанный счет.

ДЛЯ ПОСТУПЛЕНИЙ В СУМАХ:

Получатель: Объединенная группа реализации проектов при Министерстве экономики и финансов.

Адрес и телефоны получателя: 100017, г. Ташкент, ул. Низебек йули, 1, 4-й этаж, правый блок. Тел.: (+998 71) 207-84-07.

Банк получателя: Ташкент-й фил. АКИБ "Ипотека-банк" МФО 00419

Р/с получателя в сум: 2021 0000 7052 9450 7007

ИНН, ОКОНХ получателя: ИНН: 307 829 948

Тендерные предложения должны быть действительными в течение 120 дней после вскрытия конкурсных предложений и сопровождаться залоговым обеспечением в виде банковской гарантии.

Тендерные предложения должны быть доставлены в офис ОГРП по адресу:

Внимание: г-на Б. Эгамова, Директора ОГРП.

Адрес: Республика Узбекистан, 100017, город Ташкент, ул. Низебек йули, 1, 4-й этаж, правый блок.

Телефон: (+99877) 363-37-35.

Электронная почта: f.abdullayev@uzrd.uz

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее **15.00 (по ташкентскому времени) 30 июня 2025 г.**, когда они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены.

Вскрытие пакетов состоится в **15.15 (по ташкентскому времени) 30 июня 2025 г. в офисе Объединенной группы реализации проектов при Министерстве экономики и финансов (4-этаж) по адресу:** ул. Низебек йули, 1, г. Ташкент, Республика Узбекистан.

ПРИГЛАШЕНИЕ К УЧАСТИЮ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

Регион: Хорезмская область

Сектор: Развитие сельской инфраструктуры

Закупка работ

Инициатор проекта: Министерство экономики и финансов Республики Узбекистан

Источник финансирования: Исламский банк развития и "ОПЕК" международный фонд развития

Номер заемного соглашения: UZB-1023

Название проекта: Устойчивое развитие сельской местности

1. Объединенная группа реализации проектов при Министерстве экономики и финансов, настоящим приглашает правомочных участников представить запечатанные тендерные предложения на выполнение вышеуказанных работ:

SRDP-KHR-W-23 – улучшение водоснабжения в МСГ "Шоирлар", "Юкори Бошкыр", "Бустон" и "Янги ёп" Янгибазарского района Хорезмской области;

SRDP-KHR-W-24 – улучшение водоснабжения в МСГ "Шодухуррам" и "Камолот" Хазараспского района Хорезмской области;

